

## AGRICULTURAL LANDS SUBJECT TO DEGRADATION

Сайдалиева Гўзал Абдурашидовна  
ТИҚХММИ МТУ мустақил-изланувчи

### ABSTRACT

It was noted that today Uzbekistan is ready to set an example by using public and private investments to transform degraded lands into thriving ecosystems and stable territories. As our President noted, dust storms have been observed frequently in the country recently, which is due to global climate change, illegal logging, water scarcity, and the degradation of desert pastures due to uncontrolled livestock grazing.

### INTRODUCTION

Ўзбекистон Республикаси 2030 йилгача 2 млн гектардан ортиқ деградацияга учраган ерларни тиклаши керак. Бундай лойиҳалар катта молиявий ресурслар талаб қилади. Мазкур масалада мамлакат стратегияларни БМТ Чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенциясининг (UNCCD) Ер деградацияси нейтраллиги мувофиқлаштирилиши ва аҳолининг заиф қатламлари учун барқарор турмуш шароитини таъминлаш мажбуриятини олади. Шу ўринда деградацияга учраган ерларни тиклаш ва қурғоқчиликка чидамликни ошириш катта молиявий ресурслар талаб қилади. Бундай ишлар кўпинча республика бюджетидан ошиб кетган. Халқаро молиялаштиришга киришни осонлаштирадиган мустақам механизмлар ва инновацион ҳамкорликлар жамоавий саъй-ҳаракатлар маваффақиятли бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қуйидаги таклифлар эътироф этилди:

- Маблағдан фойдаланиш, ариза бериш ва тасдиқлаш жараёнларини соддалаштириш;
- Грант асосида молиялаштиришни, узоқ муддатли экологик фойда келтирадиган молиявий даромадлари чекланган лойиҳалар учун қўпайтириш;
- Донорлар талабларига жавоб берадиган банк лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун техник ёрдам кўрсатиш;
- Молиялаштиришнинг инновацион механизмлари ва воситалари, жумладан қўшимча ресурсларни сафарбар қилиш учун яшил облигацияларни кенгайтириш таклифлари берилди.

Республикада илғор суғориш тизимларига сармоя киритилиб, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш қисқартирилди ва қурғоқчиликка чидамликни оширади<sup>1</sup>.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277-сон қарори<sup>2</sup> ижроси юзасидан, шунингдек, ерлар деградациясига қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини юмшатиш, ҳудудларда қурғоқчилик ва чўлланишнинг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш, ушбу йўналишда илғор илмий ишланмалар ва инновациялардан кенг фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

<sup>1</sup> www.gazeta.uz Ар-Риёд COP16 конференцияси Экология вазири Азиз Абдуҳақимов

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277-сон қарори билан тасдиқланган Ерлар деградацияси жараёнлари билан курашиш ва уларнинг олдини олиш ҳамда тупроқларни муҳофаза қилиш бўйича Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш ҳамда натижаларни чоп этиш тартибини белгилаш назарда тутилган.

Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди. Бунда:

Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирлари мониторингини ташкил этиш ва ҳисоботларни қабул қилиш тартиби;

Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирлари натижаларини чоп этиш тартиби;

Ерлар деградацияси, чўлланиши ва қурғоқчилик, унга қарши курашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисидаги материаллардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги 50-сон қарори “Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш тартиби тўғриси”да НИЗОМ<sup>3</sup>да ерлар деградациясининг кескинлашуви, глобал иқлим ўзгариши, қурғоқчилик ва чўлланишнинг салбий оқибатларини юмшатиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда тупроқ унумдорлиги сақлаш, ошириш ва қайта тиклаш мақсадида мониторинг ишларини амалга ошириш ҳамда деградацияга қарши курашиш тадбирларини бажариш тартибини белгилаб берди.

Илмий иш асосий атамаси ерлар деградацияси бу - табиий (қурғоқчилик, рельеф хусусиятлари, ёғинлар миқдорининг меъёрдан ортиши, сув тошқинлари, кучли шамоллар, табиий ёғинлар, ботқоқлашиш) ва антропоген таъсирида (тоғ-кон саноати, муҳандислик коммуникацияларини қуриш; сунъий ёғинлар, нотўғри чорвачилик ва деҳқончилик, самарасиз ирригация, ўрмонларнинг кесилиши) омиллар таъсирида ерларнинг биологик ва иқтисодий маҳсулдорлиги камайиши ва йўқотилиши деб эътироф этилади.

Шу ўринда, тупроқ деградация бу – жараёнлар йиғиндиси бўлиб, улар тупроқларнинг функциясини ўзгаришига, хоссаларининг миқдори ва сифат кўрсаткичларининг ёмонлашишга ва унинг унумдорлигини пасайишига олиб келади, яъни табиий ва антропоген омиллар таъсирида элементларнинг экологик тизимда тупроқнинг турғун хоссаларининг бузилиши, хўжалик нуқтаи назаридан баҳосининг тушиши ҳамда самарадорликнинг тушиб кетиш ҳолатлари бўлади.

Хорижий олимлар томонидан тупроқ деградациясига яна қўшимча таърифлар келтирилган, Герасимов фикрича, “Мустаҳкам антропоген ёки табиий салбий жараёнлар хусусиятига эга бўлган маҳсулдорликнинг пасайишига ёки маҳсулот сифатига ва мос

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги 50-сон қарори Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

ишлаб чиқариш даражасини тиклаш учун ҳаражатларини ошиши тупроқларнинг деградацияси ҳисобланади”<sup>4</sup>.

Илмий тадқиқотимиз асосий атамаси, ерлар деградацияси Глобал экологик жамғарма (ГЭЖ) томонидан қуйидагича изоҳланади: “узоқ муддатли экологик маҳсулдорлигининг камайиши, табиий биологик хилма хиллигининг озайиши ёки ташқи таъсирларга бардошлилигининг йўқолиши натижасида экотизимнинг бутунлигига салбий таъсир этувчи ер табиий салоҳиятининг ёмонлашуви шакли” бўлиб ҳисобланади. Оддий сўз билан айтганда, ер деградацияси бу ернинг олдинги унумдорлигининг йўқолишидир. Унинг энг муҳим кўрсаткичлари қуйидаги 3 та омил ҳисобланади. Бунда:

**1. Ҳосилдорликнинг пасайиши** – ер ҳосилдорлигининг пасайиши Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида кузатилади. Тупроқ ҳосилдорлигини одатда бонитет баллари бўйича ҳисобланиб, бирлиги 0 балдан 100 балгача. Бонитет бали қандай ҳисобланиши барча учун муҳим эмас, лекин шуни билиш лозимки, бонитет бали қанчалик юқори бўлса, ер шунчалик ҳосилдор бўлади. 1990 йиллар бошидан бери Ўзбекистон бўйича суғориладиган ерларнинг бонитет бали 55–65 балдан ўртача 10 балга пасайган.

**2. Табиий биологик хилма хилликнинг пасайиши** – ернинг маълум экологик хизматларни (ҳосилдорлик, ифлосланишга бардошлилик, гидрология, кимёвий моддалар айланиши циклида қатнашиш ва бошқалар) барча жараёнларда қатнашувчи биологик ҳаёт шакллари мавжуд хилма хиллигига тўғридан тўғри боғлиқдир. Биологик турлар миқдори озайиши билан ўтаётган жараёнларнинг миқдори ва уларнинг сифати тушади. Натижада деградацияга учраган ерлар пайдо бўлади.

**3. Ташқи таъсирларга бардошлилик хусусиятининг пасайиши** – муқим ҳаракатдаги турли табиий (иқлим ва бошқа табиий офатлар) ва антропоген (ифлосланиш, вақтинчалик салбий таъсир ва бошқалар) таъсирларга бардош бера олади. Айнан тизим ичидаги тўғри ҳаракатдаги жараёнлар, биохилмахилликнинг мавжудлиги экотизимнинг салбий таъсирлардан тикланишига ва олдинги функцияларига қайта эга бўлишига олиб келади. Ерлар деградациясининг асосий сабаблари бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишида нооқилона амалиётнинг олиб борилиши;

яйловлардан меъёрдан ортиқча фойдаланиш, ўрмон ва бошқа ўсимлик қопламанинг йўқ қилинишини кузатиш мумкин.

Нооқилона қишлоқ хўжалиги суғорма ерларда меъёрдан ортиқ сувнинг ишлатилишида, тупроқ юқори қатламнинг шамол ва сув эрозиясига учрашида, тупроқ юқори қатламнинг зичланиб, махсус қават ҳосил қилганида, шўрланишида ва турли хил тупроқдан фойдаланишнинг яроқсиз ҳолатга келишида кўринади.

Шу билан бирга кўп табиий яйловлар фойдаланилмай, деградацияга учрамоқда. Яйловларга туёқлилар келмаса, энг юқори тупроқ қатлами қотиб қолади ва шу ерга хос бўлган ўсимлик уруғлари тарқамайди, шунингдек ўсимликларнинг биологик хилма хиллиги ривожланмайди ҳамда аввал таъкидланганидек, биологик турлар камайган

<sup>4</sup> Герасимова М.И., Строганова М.Н., Можарова Н., Долгопятова Г.Н., Сатаев АЮСЮ К вопросу о включении и сельскохозяйственнепроизводство земель об подверженных загрязнению химическими реагентами при бурении газовых скважин // Основные пути повышения плодородия почв. Ставрополь, 1982. 18-23 стр.

сари биологик жараёнларнинг ўтиши ҳам ёмонлашади, натижада ер деградацияси келиб чиқади.

Ерларнинг деградацияси Ўзбекистондаги энг долзарб экологик муаммолардан бири бўлиб, қишлоқ хўжалигининг турли жабҳаларига ва мамлакатнинг экологик ҳолатига таъсир кўрсатмоқда. Деградация жараёни тупроқ эрозияси, шўрланиш, тупроқ ресурсларининг камайиши ва унумдорлигининг пасайиши каби ҳодисаларни ўз ичига олади. Ўзгарувчан иқлим ва қишлоқ хўжалиги аҳтиёжлари учун ердан интенсив фойдаланиш шароитида ерларнинг деградацияси муаммоси тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда ер деградациясининг сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш, интенсив суғориш ва агротехник тайёргарликнинг етарли эмаслиги каби асосий сабаблари ўрганилган. Деградациянинг мамлакат экотизимлари ва иқтисодиётига таъсири таҳлил қилиниб, қишлоқ хўжалиги амалиётини такомиллаштириш, барқарор агротехника амалиётини жорий етиш ва сув ресурсларини самарали бошқариш ҳисобланади. Юртимиз бугунги кун иқтисодиёт шароитида ўзининг улкан қишлоқ хўжалиги ерлари ва бой табиий бойликлари билан энг долзарб муаммоларидан бири - ер ресурсларининг деградацияси олдида турибди.

Тупроқнинг деградацияси ва унумдорлигининг йўқолиши нафақат мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигига путур етказадиган, балки фуқароларнинг экологик хавфсизлиги ва ҳаёт сифатига таҳдид соладиган жиддий муаммолардир. Олиб борилаётган тадқиқот ва ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистон ҳудудининг қарийб 60 фоизи ер деградациясининг турли шаклларига дучор бўлмоқда. Ушбу фоиз юқори бўлиб, ердан барқарор фойдаланишга ва агроэкологик ресурслардан самарасиз фойдаланишга етарлича эътибор берилмаганлиги сабабли ўсишда давом этмоқда. Республикамизда ерларнинг деградацияси муаммоси, шунингдек, мамлакатнинг турли минтақаларида, шу жумладан деградация даражаси юқори бўлган ҳудудларда тарқалиши ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун биз тупроқ деградациясининг хусусиятларини аниқлаймиз.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер ресурсларида деградацияси муаммоси мамлакатнинг барқарор ривожланишига жиддий таҳдид солмоқда. Ушбу муаммо мамлакатнинг умумий ҳудудини ва тупроқ сифатининг узоқ муддатли тенденцияларини кўриб чиқиш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ердан фойдаланишни яхшилаш, тупроқ деградациясига қарши курашиш, қишлоқ хўжалигида қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигини бошқариш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган. Шунингдек, бу деградацияга учраган ерларни тиклаш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатнинг ярмидан кўпи тупроқ сифатининг ёмонлашиши, унумдорликнинг йўқолиши ва қишлоқ хўжалиги шароитларининг ёмонлашиши билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда, бу эса озиқ-овқат хавфсизлиги ва иқтисодий ривожланишга бевосита таъсир қилади. Ерларнинг деградацияси жараёнлари тупроқ унумдорлиги ва экологик мувозанатга таъсир қилувчи бир неча омилларни ўз ичига олади:

1. Экстенсив қишлоқ хўжалиги: эскирган деҳқончилик усулларида фойдаланиш, алмашлаб экишга етарлича эътибор бермаслик, ўғитлар ва пестицидлардан нотўғри

фойдаланиш тупроқ унумдорлигининг пасайишига ва уларнинг тузилишининг бузилишига олиб келади.

2. Суғориш: юзаки суғориш каби самарасиз суғориш тизимларидан фойдаланиш кўпинча тупроқларнинг эриши ва шўрланишига олиб келади.

3. Табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш: ўрмонларнинг кесилиши натижасида экологик мувозанатнинг бузилиши, ердан саноат мақсадларида нотўғри фойдаланиш, шунингдек тупроқ ва сув ресурсларининг ифлосланиши ерларнинг янада деградациясига олиб келади. Ушбу омиллар қишлоқ хўжалиги, экологик барқарорлик ва аҳоли саломатлиги учун жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Тупроқ сифатининг ёмонлашиши, шунингдек, тупроқ эрозияси ва қурғоқчилик каби табиий офатлар хавфининг ошишига олиб келиши мумкин, бу эса мамлакатнинг иқлим ўзгаришига нисбатан заифлигини оширади.

Ўзбекистонда ерларнинг деградацияси муаммосининг кўлами вазиятнинг янада ёмонлашишини олдини олиш ва мамлакатда тупроқ ҳолатини тиклаш бўйича тезкор ва самарали чораларни талаб қилади. Ўзбекистонда ерларнинг деградацияси муаммосини таҳлил қилишда унинг мамлакатнинг турли минтақаларида тарқалишини ҳисобга олиш керак, чунки ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ва тупроқ деградациясига таъсир қилувчи омиллар мавжуд. Ўзбекистоннинг энг серҳосил ҳудудларидан бири бўлган Сурхондарё вилояти интенсив қишлоқ хўжалиги сабабли ерларнинг деградацияси билан боғлиқ жиддий муаммоларга учрайдди.

### 1-жадвал Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда деградацияга учраган экин ерлари тўғрисида, минг га

Т/р	Худудлар номи	2024 йил ҳосили учун экин жойлаштирилган суғориладиган ерлар	Деградацияга учраган экин ерлари	шундан		
				сув эрозиясига учраган ерлар	кучли шўрланган ерлар	гумус миқдори 0,4 фоиздан паст бўлган ерлар
1	Қорақалпоғистон Республикаси	314,3	91,5	8,0	20,0	63,5
2	Андижон	198,8	28,0	27,3		0,7
3	Бухоро	223,7	13,1	0,0	5,6	7,4
4	Жиззах	259,1	43,2	36,2	4,2	2,8
5	Қашқадарё	404,8	96,0	74,9	8,7	12,3
6	Навоий	91,0	47,6	9,5	0,7	37,4
7	Наманган	196,9	79,9	75,6	0,7	3,7
8	Самарқанд	248,2	110,4	99,4		11,0
9	Сурхондарё	237,1	59,0	51,9	1,2	5,9
10	Сирдарё	242,8	9,6	3,6	4,7	1,3
11	Тошкент	287,8	131,1	128,4		2,7
12	Фарғона	242,1	43,2	36,7	0,4	6,0
13	Хоразм	198,6	38,1	1,9	26,6	9,6
<b>Жами</b>		<b>3145,4</b>	<b>790,7</b>	<b>553,4</b>	<b>72,8</b>	<b>164,5</b>

Таҳлил жараёнлари шуни маълум қиладики, республикамизнинг жанубий минтақасида жойлашган Сурхондарё вилоятида деградацияга учраган экин ерлари 59,0 гектарни эгаллаган. Шундай ҳолатда вилоят таркибидаги туманларда бу жараёнларнинг ечимини топиш ишлари олиб борилмоқда<sup>5</sup>.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун экинларни етиштирмасликдан, ўғитлардан оқилона фойдаланмаслик ҳолатлари, шу билан бирга, алмашлаб экишга етарлича эътибор бермаслик ва сувни бошқариш билан боғлиқ муаммолар тупроқ эрозиясига ва шўрланишига олиб келади. Бу ер ости сувлари сатҳининг пасайишига, тупроқнинг шўрланишига ва унумдорликнинг пасайиш ҳолатлари бўлади. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари ҳам ерларнинг деградацияси муаммоларига дуч келмоқда, гарчи уларнинг табиати ва кўлами турлича бўлса ҳам. Масалан, мамлакатнинг тоғли ҳудудларида тупроқ эрозияси ердан қишлоқ хўжалиги учун нотўғри фойдаланиш натижасида юзага келади, чўл ҳудудларида эса чўлланиш ва қурғоқчилик билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Тадқиқот объектимиз тўғрисида 2025 йил ҳолати бўйича ушбу жадвалда маълумотлар келтириб ўтилган.

## 2-жадвал Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги ҳайдов ерларини деградацияга учраганлиги тўғрисида маълумот

Т/р	Минтақалар	Қишлоқ хўжалиги ҳайдов ерлари-жами	Шу жумладан деградацияга учраган ерлар					
			Технологик (узок муддат фойдаланиш	Эрозия	Шўрланиш	Суғориш сувини етишмаслиги	Қурғоқчилик	Бошқа сабаблар
1	Ангор	14993			6569			
2	Бандихон	13021			8169			
3	Бойсун	1743						
4	Денов	21009						
5	Жарқўрғон	18939			1511			
6	Қизириқ	23754			23631			
7	Қумқўрғон	18142			406			
8	Музработ	32808			24186			
9	Олтинсой	9507						
10	Сариосиё	8466						
11	Термиз	11745			7665			
12	Узун	10627						
13	Шеробод	33023			20642			
14	Шўрчи	15032						
<b>Жами Вилоят бўйича</b>		<b>232808</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>92780</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумоти 2025 й.

Тадқиқод объектимиш бўлган Сурхондарё вилоятида Қизириқ туманида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 23754 га ни ташкил этади. Ҳозирги вақтда нооқилона фойдаланиш сабабли 23631 га ер шўрланиш ҳолатига учраган. Бундан ташқари, Музработ туманида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган умумий ердан фойдаланиш 32808 га ни шу жумладан, ерларнинг шўрланиш ҳолатлари 24186 га ни ташкил этади. Ушбу шўрланиш ҳолатларида, ҳамда уларни олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ер ресурсларини барқарор бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда маҳаллий ўзига хосликлар ва муаммоларни ҳисобга олиш зарурлигини эътироф этади. Тупроқ деградацияси муаммосини ҳал қилиш ҳар бир минтақанинг ўзига хос шароитларини ҳисобга оладиган комплекс ёндашувни ва ерларнинг янада ёмонлашишини олдини олиш ва унумдорлигини тиклаш бўйича тегишли чораларни кўришни талаб қилади.

Деҳқончиликнинг замонавий усулларини жорий этиш: Бунда, Ўзбекистонда ерларнинг деградацияси муаммосини ҳал қилиш учун бир қанча асосий чора-тадбирларни ўз ичига олган комплекс ёндашув талаб этилади.

Бугунги кунда ерлар деградация муаммоси мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ҳам, экологик барқарорлигига ҳам жиддий таҳдид солмоқда. Ушбу муаммонинг кўлами тобора равшанлашиб бормоқда ва уни ҳал қилиш шошилиш ва самарали чораларни талаб қилади. Сурхондарё вилоятида ер деградация муаммосининг турли жиҳатларини кўриб чиқдик, бу муаммонинг республика миқёсидаги кўламини умумий таҳлил қилишдан бошлаб, уни алоҳида ҳудудлар бўйича тақсимлашга ўтдик.

Республикада қишлоқ хўжалиги самарасиз суғориш ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш каби ерларнинг деградациясига олиб келадиган асосий омилларни аниқладик. Ушбу муаммони ҳал қилиш йўлидаги аниқ ечимлар ва стратегияларни таклиф этиш мумкин. Бунда:

1. Замонавий деҳқончилик усулларини жорий этиш,
2. Суғориш тизимларини оптималлаштириш,
3. Табиий экотизимларни муҳофаза қилиш,
4. Ер ресурслари деградациясининг олдини олишга ёрдам берадиган бир қанча муҳим чора-тадбирларни қўллаш ўринли бўлади.

Республикада бўйича ҳудудлар кесимида, деградациясига учраган ерлар тўғрисида маълумотлар ёритилган, бу ҳолатдаги ерларда олдини олиш чоралари кўрилаяпти<sup>6</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, ерлар деградациясига қарши курашда муваффақиятга эришишда турли даражадаги, жумладан, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, илмий жамоатчилик ва хусусий сектор ҳамкорлигининг ўрни муҳимдир. Фақат бу муаммолар ечими, саъй-ҳаракатлар орқали ер ресурсларини барқарор бошқаришни таъминлаш ва келажак авлодлар учун экологик яхлитликни сақлашимиз мумкин. Умуман олганда, ерларнинг деградацияси муаммосини ҳал қилиш комплекс ва тизимли

<sup>6</sup> Хафизова З.Х. - старший преподаватель, Борисов А. - студента 3-курса НИУ ТИИИМСХ "Development of Specialized Higher Education and Science in the Conditions of Globalization: Problems and Opportunities" International Scientific Conference, April 9–10, 2025, Tashkent, Uzbekistan 4536.

ёндашувни, шунингдек ўзгарувчан вазиятга мувофиқ доимий мониторинг ва стратегияларни тuzатишни талаб қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. [www.gazeta.uz](http://www.gazeta.uz) Ар-Риёд COP16 конференцияси Экология вазири Азиз Абдуҳакимов.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерлар дeгpадациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277-сон қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги 50-сон қарори Ерлар дeгpадациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ
4. Герасимова М.И., Строганова М.Н., Можарова Н., Долгопятова Г.Н., Сатаев АЮСЮ К вопросу о включении и сельскохозяйственнепроизводство земель об подверженных загрязнению химическими реагентами при бурении газовых скважин \\ Основные пути повышения плодородия почв. Ставропол, 1982. 18-23 стр.
5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумоти 2025 й.
6. Хафизова З.Х. - старший преподаватель, Борисов А. - студента 3-курса НИУ ТИИИМСХ “Development of Specialized Higher Education and Science in the Conditions of Globalization: Problems and Opportunities” International Scientific Conference, April 9–10, 2025, Tashkent, Uzbekistan 4536.